

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР, ФАРМАКОЛОГИЯ ВА КЛИНИК
ФАРМАКОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ



МАВЗУ: СУЮК ДОРИ ШАКЛЛАРИ

3 курс Даволаш факультети

308 гуруҳ талабалари учун

Ассистент: Ибрагимова Э.Ф.

Самарканд -2016

Режа:

1. Дамлама, қайнатма хақида характеристка, тайёрлашдаги фарқи, рецепт ёзиш усуллари.
2. Эмульсия, характеристикаси, турлари, тайёрланиши ва рецепта ёзилиши.
3. Суспензия, характеристикаси, тайёрланиши ва рецепта ёзилиши.
4. Настойка (тиндирма) характеристикаси, тайёрланиши ва рецепта ёзилиши.
5. Новогален препаратлари, характеристикаси, турлари, тайёрланиши ва рецепта ёзилиши.
6. Суюк экстракт, характеристикаси, турлари, тайёрланиши ва рецепта ёзилиши
7. Ташқи қўлаш учун эритмаларнинг турлари, ёзилиши.
8. Кўз, қулоқ, бурун учун томчилар, характеристикаси, ёзилиши.
9. Даволовчи хўқналар хақида тушунча, ёзилиши.
- 10.Рецептурадан топшириклар.
- 11.Мустакил назорат учун саволлар.
- 12.Кулланилган адабиёт.

Суюк дори шакллари

ДАМЛАМА, ҚАЙНАТМА

Дамлама бош келишик бирлик сонда - *Infusum*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Infusi*.

Қайнатма бош келишик бирлик сонда - *Decoctum*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Decocti*.

Дамлама ва қайнатмалар ўсимлик хом ашёсининг қайноқ (100°C) сув билан олинган ажратмаларидир. Улар ичиш учун мўлжалланган. Дамламалар кўпинча ўсимликларнинг барги – *folium*, гули - *flos*, ўтидан - *herba* тайёрланади. Қайнатмалар одатда усимликларнинг пўстлоғи - *cortex*, илдизи - *radix*, илдизпоясидан - *rhizoma* тайёрланади. Дамламалар 15 дақиқа қайнатилиб, батомом совигандан кейин филтрланади. Қайнатмалар эса 30 дақиқа қайнатилиб қайноқ ҳолда филтрланади. Дамлама ва қайнатмалар тез бузилиб қоладиган бўлгани учун кўпи билан 3-4 кунга керакли микдорда дорихонада тайёрланади. Улар кўпинча қошиқларда ичиш учун тавсия этилади. Рецептда фақатгина қисқартирилган шаклда ёзилади. Дамлама ва қайнатмаларни тайёрлаш учун ўсимликларни қуйидаги стандарт концентрациялари қабул қилинган:

- Кучсиз таъсир кўрсатадиган ўсимликлар учун 1:10
- Кучли таъсир кўрсатадиган ўсимликлар учун 1:30
- Заҳарли таъсир кўрсатадиган ўсимликлар учун 1:300

ЭМУЛЬСИЯ

Эмульсия бош келишик бирлик сонда - *Emulsum*, қаратқич келишик бирлик сонда - *Emulsi*.

Эмульсия суюқ дори шакли бўлиб бир-бирида эримайдиган ёки кам эрийдиган ва аралашмайдиган 2 фазали суюқлик системасидир. Биринчи фазаси сув, иккинчиси эса унда эримайдиган эритмалардан (эфир мойлари, ёғлар, бальзамлар) ташкил топган. Ташқи кўриниши жиҳатидан эмульсиялар сутни эслатади. Тайёрланишига қараб эмульсиялар 2 га бўлинади:

1. Мойли эмульсиялар – *Emulsa oleosa*
2. Мағизли эмульсиялар – *Emulsa seminalia*

Мағизли эмульсиялар бодом уруғидан (*semina Amygdali dulcis*), ошқовоқ уруғидан (*semina Cucurbitae*) ва бошқалардан тайёрланади. Мойли эмульсиялар эса суюқ мойлар канакунжут мойи (*oleum Ricini*), бодом мойи (*oleum Amygdalarum*), балик мойи (*oleum jecoris Aselli*) ва бошқалардан тайёрланади. Уларни тайёрлашда махсус эмульгаторлардан (мойни жуда майда заррачаларга парчалаш учун) фойдаланилади. Эмульгатор сифатида арабий елими (*Gummi Armeniacae*), желатоза (*Gelatosa*) ишлатилади. Яхши эмульсия ҳосил қилиш учун 2 қисм суюқ мойга, 1 қисм эмульгатор ва 17 қисм сув қўшилади. Агар, рецептда ёғ микдори кўрсатилмаса эмульсия 1 : 10 нисбатда тайёрланади.

Ичишга мўлжалланган эмульсиялар қошиқларда берилади. Эмульсиялар турғун бўлмаганликлари учун 12 марта қабул қилиш учун ёзилади.

Мойли эмульсиялар кенгайтирилган ва қисқартирилган шаклда ёзилади.

Рецептга мисол. Таркибида 20 мл треска балиғи мойини сақловчи 200 мл эмульсия ёзиб берилсин. Кунига 1 ош қошиқдан 2 марта қабул қилиш буюрилсин.

Қисқартирилган шакл:

Rp.: Emulsi Olei jecoris Aselli 20 ml – 200 ml

D.S. кунига 1 ош қошиқдан 2 марта қабул қилинсин.

Кенгайтирилган шакл:

Rp.: Olei jecoris Aselli 20 ml

Gelatosae 10,0

Aquae destillatae ad 200 ml

M.f. emulsum

D.S. кунига 1 ош қошиқдан 2 марта қабул қилинсин.

Мағизли эмульсияларга мисол. Бодом уруғидан тайёрланган 200 мл эмульсия ёзиб, 1 ош қошиқдан ҳар соатда ичиш буюрилсин.

Rp.: Emulsi semenis Amygdali dulcis ex 20,0 – 200 ml

D.S. 1 ош қошиқдан ҳар соатида ичилсин.

ДОРИВОР ЙИҒМАЛАР

Доривор йиғмалар бош келишик кўплик сонда - *Species*, қаратқич келишик кўплик сонда - *Specierum*.

Доривор йиғмалар майдаланган ёки бутун ўсимлик ашёларининг аралашмаси бўлиб, баъзи ҳолларда уларга тузлар, эфир ва бошқа моддалар қўшилади. Улар дамлама ва қайнатмалар шаклида ичиш учун, ванна, чайқаш, ювиш учун ва сиртга ишлатилади. Доривор йиғмалар оддий ва мураккаб бўлади ёки қисмларга бўлинган ва бўлинмаган бўлади. Ичиш учун тавсия этиладиган мураккаб доривор йиғмалар чой деб номланади. Доривор йиғмалар дорихоналардан умумий миқдорда, яъни 50 г, 100 г, 150 г, 200 г дан чиқарилади. Таркиби ва қабул қилиш усули кўрсатилган ҳолда коғоз қутичалар ва халтачаларда чиқарилади. Таркибида захарли ва кучли таъсир кўрсатадиган моддалар бўлган ўсимликлардан иборат йиғмалар қисмларга бўлинган доривор йиғмалар кўринишида чиқарилади.

Мисол. 10 та қисмларга бўлинган доривор моддага рецепт ёзиб берилсин, қайсики таркибида 2 г адонис ўти ва 1,5 г валериана илдизи бўлсин. Доривор йиғманинг 1 та дозасини 1 стакан сувда қайнатиб 30 дақ. дамлаб кўйилгач, сузиб 1 ош қошиқда кунига 3 маҳал ичиш буюрилсин.

Rp.: Herbae Adonidis vernalis 2,0

Radici Valerianae 1,5

M.f. species

D.t.d.N.10

S. Доривор йиғманинг 1 та дозаси 1 стакан иссиқ (қайноқ) сувда қайнатиб, 30 дақ. дамлаб кўйилгач сузиб, 1 ош қошиқдан ичилсин.

Официнал доривор йиғмалар ёзишга мисол. 50 г астмага қарши доривор йиғмага рецепт ёзиб берилсин.

Rp.: Species antiastmatici 50,0

D.S. Кунига 2 марта 1-2 чой қошиқдан куйдириб, тутуни ҳидланансин.

ИЧИШ УЧУН ТОМЧИЛАБ БЕРИЛАДИГАН ЭРИТМАЛАР

Кучли ва захарли таъсир килувчи доривор моддаларни ичиш учун томчиларда тақсимладиган эритмалар шаклида берилади. 1 мл сувли эритма 20 томчига тенг. Бир марта ичиладиган томчилар сони таркибида дорининг 1 марталик терапевтик дозаси бўлиши керак. Энтерал йўл билан қўллаш учун (яъни ичиш учун) дориларнинг 1 та терапевтик дозаси ўрта ҳисобда 5 – 15 томчида эритилади ва 20 марта қабул қилишга ёзиб берилади. Улар кенгайтирилган, қисқартирилган “ex” ва қисқартирилган фоиз шаклида ёзилади.

Ичиш учун томчилаб бериладиган эритмаларга мисол. $td = 0,0005$ бўлган атропин сульфат эритмасини 10 томчида ичишга берилсин.

Ҳисоб: $td \times 20 \text{ марта} = 0,0005 \times 20 \text{ марта} = 0,01$

$10 \text{ томчи} \times 20 \text{ марта} = 200 \text{ томчи} = 10 \text{ мл, чунки } 20 \text{ томчи} = 1 \text{ мл,}$

$200 \text{ томчи} = 10 \text{ мл}$

Рецепт ёзишнинг кенгайтирилган шакли:

Rp.: Atropini sulfatis 0,01

Aquae destillatae 10 ml

M.f. solutio

D.S. 10 томчидан ичилсин.

Қискартирилган “ex” шакл:

Rp.: Solutionis Atropini sulfatis ex 0,01 – 10 ml

D.S. 10 томчидан ичилсин.

Қискартирилган % шакл:

Ҳисоб: 0,01 – 10 мл $x = \frac{0,01 \times 100}{10} = \frac{1}{10} = 0,1\%$
x - 100 мл

Rp.: Solutionis Atropini sulfatis 0,1% - 10 ml

D.S. 10 томчидан ичилсин.

Официнал эритмаларни ёзиб беришда уларнинг концентрацияси кўрсатилмай фақат номи ва миқдори кўрсатилади.

Мисол. Md = 5 томчи бўлган нитроглицериннинг спиртли эритмаси ёзиб бериш буюрилсин.

Rp.: Solutionis Nitroglycerini spirituosae 2 ml

D.S. 2 томчидан 1 чақмоқ қандга томизилиб, тил остига қўйилсин.

Мисол. Кордиамин эритмаси 10 мл ёзиб берилсин. 10 томчидан ичиш учун буюрилсин.

Rp.: Cordiamini 10 ml

D.S. 10 томчидан ичишга буюрилсин.

ТИНДИРМА

Тиндирма бош келишик бирлик сонда - *Tinctura*, қараткич келишик бирлик сонда - *Tincturae*.

Тиндирмалар деб ўсимликлардан тайёрланган, озми кўпми рангли бўлган, суяк, тиниқ спиртли, спирт-сувли ёки спирт-эфирли ажратмаларга айтилади. Уларни тайёрлаш учун кўпроқ 70% ёки 40% этил спирти қўлланилади, чунки унда дори таркибидаги асосий таъсир этувчи бирикма яхши эрийди. Шу билан бир қаторда спирт яхши консервациялаш хоссасига эга. Шу турайли дамлама ва қайнатмаларга нисбатан тиндирмалар тургун дори шакли бўлиб, хона ҳароратида берк идишларда узоқ сақлаш мумкин. Тиндирмалар официнал препаратлар ҳисобланиб, Фармакопея асосида фармацевтик корхоналарда тайёрланади ва дорихоналарда тайёр ҳолатда бўлади.

Тиндирмалар бўлинмаган дори шакли бўлиб, ҳар бир қабул учун бемор ўзи ажратиб олади.

Тиндирмаларга рецепт ёзишни фақат битта, официнал усули бўлиб, у *Tinctura* сўзидан бошланади, кейин ўсимлиكنинг номи ва тиндирманинг миқдори миллилитрларда кўрсатилади. Тиндирмалар томчилар билан тақсимланади ва асосан ичиш учун берилади. Аммо баъзи ҳолларда сиртга (чайқаш) ишлатиш учун берилиши мумкин.

Мисол, td = 20 томчи бўлган валериана тиндирмасига рецепт ёзилсин, 20 томчидан ичиш учун буюрилсин.

Rp.: Tincturae Valerianae 20 ml

D.S. 20 томчидан ичилсин.

Тиндирмаларни ўзаро аралаштириб, 1 та рецептда ёзиб бериш мумкин.

Мисол. td = 20 томчи бўлган валериана тиндирмаси ва td = 10 томчи бўлган марваридгўл тиндирмасининг аралашмасига рецепт ёзиб берилсин ва 30 томчидан ичиш буюрилсин.

Rp.: Tincturae Valerianae 20 ml

Tincturae Convallariae 10 ml

M.D.S. 30 томчидан ичилсин.

ЭКСТРАКТ

Экстракт бош келишик бирлик сонда - *Extractum*, қараткич келишик бирлик сонда - *Extracti*.

Экстрактлар деб ўсимликлардан спирт, эфир ёки сув ёрдамида тайёрланган, концентранган ажратмаларга айтилади. Таркибидаги суюқлик миқдориغا қараб улар суюқ (*Extracta fluida*), қуюқ (*Extracta spissa*) ва қуруқ (*Extracta sicca*) экстрактларга бўлинадилар.

Суюқ экстрактлар рангли суюқлик бўлиб одатда 1:1 нисбатда тайёрланади. Шунинг учун ҳам тиндирмаларга нисбатан таъсир этувчи модда концентрацияси уларда юқори бўлади. Суюқ экстрактлар официнал бўлиб, бўлимаган дори шакли ҳисобланади. Ичиш учун томчиларда берилади. Рецепт ёзиш усули тиндирмаларникидек, *Extracti* деб бошланади, сўнгра ўсимлик номи ва албатта экстрактнинг тури кўрсатилади. Сўнгра экстрактнинг беморга берилиши лозим бўлган миқдори кўрсатилади. Агар суюқ экстракт бўлса, мл ларда белгиланади. Сўнгра сигнатурада бир гал ичиши лозим бўлган томчилар сони кўрсатилади.

Мисол. Суюқ итшумрут экстрактидан 30 мл га ёзиб берилсин, 30 томчидан ичиш учун буюрилсин.

Rp.: *Extracti Frangulae fluidi* 30 ml

D.S. 30 томчидан ичилсин.

Қуюқ экстрактлар қуюшқоқ (хамирсимон) масса бўлиб таркибида намлик 25% дан кўп бўлмайди. Кучли қовушқоқлиги туфайли улар ҳап (пилюля) тайёрлашда ёки корригенс сифатида қўлланиши мумкин.

Қуруқ экстрактлар сочма кўринишига эга бўлиб намлиги 5% ортиқ бўлмайди. Улар экстрактларни энг рационал хили ҳисобланади. Кейинги вақтларда уларнинг сони кўпайиб бормоқда. қуруқ экстрактларни сочма дори, таблетка, капсула, ҳап дори ва шағамча тайёрлашда қўлланилади.

НОВОГАЛЕН ПРЕПАРАТЛАРИ

Новогален препаратлари спирт, спирт-эфир ёрдамида ўсимлик хом ашёсидан олиниб, балласт моддаларидан имкони борича тозаланган ажратмалардир. Шунинг учун ҳам улар нафақат ичиш учун, балки парентерал йўл билан юбориш учун ҳам буюрилади. Ҳар бир новогален препаратни махсус номи бор. Барча новогален препаратлари официнал бўлади. Ичиш учун буюрилган новогален препаратини ёзишда препаратнинг номи ва миқдори кўрсатилади. Ичиш учун флаконларда, инъекция қилиш учун ампулаларда чиқарилади. Новогален препаратлари терапевтик жиҳатдан жуда актив ва сақлаганда турғун бирикмалардир.

Мисол. Адонизиднинг новогален препаратидан 15 мл ёзиб берилсин. 15 томчидан ичиш учун буюрилсин.

Rp.: *Adonisidi* 15 ml

D.S. 15 томчидан ичилсин.

СИРТГА ИШЛАТИЛАДИГАН ЭРИТМАЛАР

Сиртга ишлатиладиган эритмаларга теридаги яраларни ёки тана бўшлиқларини чайиш, ювиш ва малҳам (примочкалар) учун ишлатиладиган суюқ дори шакллари, шунингдек кўз, кулоқ ва бурунга томизиладиган сувли ва мойли эритмалар, ҳамда суспензиялар қиради.

Рецептда чайиш, ювиш (спринцевание) ва малҳам (примочка) учун эритмалар 50 мл дан — 500 мл гача миқдорда ёзиб берилади. Эритмалар кенгайтирилган ва қисқартирилган шаклда ёзилади. Эритмалар кўпинча концентирланган ҳолда ёзилади. Қисқартирилган шаклда асосан сувли эритмаларни, шунингдек мойли ва спиртли эритмаларни ёзиш мумкин.

Малҳам (примочка) — оғриган жойга суюқ шаклдаги дори шимдирилган латтани қўйишдир.

Дори эритмалари (суюқ дори шакли) билан пешоб халтаси, пешоб йўллари, қин ва бачадонни босим остида чайқаш ёки ювиш спринцевание деб аталади.

Сийдик йўли каналининг шиллиқ қавати, айниқса аёллар жинсий аъзоларининг шиллиқ қавати ҳамда яраларнинг ташқи томони жуда яхши шимиш хусусиятига эга, шу сабабдан чайиш ва ювиш учун эритмалар тайёрланганда, дори моддаларининг терапевтик дозасига катта аҳамият бериш керак.

Кўзга томизиш учун эритмалар рецептларда 5 мл, кулоқ ва бурунга томизиш учун эритмалар 10 мл, томоқни чайқаш ва малҳам учун 50 – 200 мл, спринцеваниелар учун 500 – 1000 мл миқдорда, кенгайтирилган ва қисқартирилган усулларда ёзилади.

Мисол. Калий перманганати 10 та чайишга 0,02% ли эритма ҳолда ёзилсин.

Ҳисоб: 1 марта чайиш учун 200 мл эритма зарурлигини эътиборга олган ҳолда, 10 та чайқаш учун 2000 мл керак бўлади. Шунинг учун концентрилланган эритма берилади ва бемор ўзи қайнатилган сувда кераклича эритиб чайқаш учун ишлатади.

$$\begin{array}{l} 100 \text{ мл} - 0,02 \\ 200 \text{ мл} - x \end{array} \quad x = \frac{200 \times 0,02}{100} = 0,04$$

10 та чайқаш учун: $0,04 \times 10 = 0,4$

Концентрилланган эритма ёзамиз, бунда ҳар бир дозани, яъни 1 ош қошиқ эритма 1 стакан сувда суюлтирилади: $15 \text{ мл} \times 10 = 150 \text{ мл}$

Rp.: Kalii permanganatis 0,4

Aquae destillatae 150 ml

M.f. solutio

D.S. 1 ош қошиқ эритмани 1 стакан сувда суюлтириб, тамоқ чайишга ишлатилсин.

Мисол. Фурацилиннинг 1:5000 нисбатда сувли эритмасидан 200 мл примочка ҳолда езиб бериш буюрилсин

Rp.: Solutionis Furacilini 1:5000 – 200 ml

D.S. Примочка учун.

Мисол. Калий перманганатнинг 1:10000 концентрациядаги эритмаси 10 та спринцевание учун рецепт ёзинг. 1 та спринцеваниега 1 л эритма буюрилади.

Демак, 1 спринцевание учун қанча миқдорда дори керак бўлишини аниқлаймиз.

1:10000 ёки 1,0 – 10 л

$$\begin{array}{l} 1,0 - 10 \text{ л} \\ x - 1 \text{ л} \end{array} \quad x = \frac{1 \times 1}{10} = 0,1$$

Концентрилланган эритмани ош қошиқларда ёзамиз.

Ҳисоб: 1 та спринцеваниега 0,1 $0,1 \times 10 = 1,0$

10 та спринцеваниега 1,0

Эритувчи дистилланган сув 1 та спринцеваниега 15 мл (1 ош қошиқ) 10 та спринцеваниега 150 мл.

Rp.: Kalii permanganatis 1,0

Aquae destillatae 150 ml

M.f. solutio

D.S. 1 ош қошиқ эритма 1 литр сувда суюлтириб спринцевание учун ишлатилсин.

КЎЗГА ТОМИЗИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОМЧИЛАР (Guttae ophthalmicae)

Шифокорларнинг иш фаолиятида кўз томчилари кенг ишлатилади. Улар сувли ёки ёғли эритмалар ёки дори моддаларнинг юпка суспензияси ҳисобланиб, шох пардага томизиш учун ишлатилади.

Кўз томчилари стерилланган бўлиши керак, уларни асептик шароитда тайёрланади, чунки бунда кўзга қўшимча юқумли нарсалар тушмайди, бунда кўзнинг шох пардаси зарарланмайди. Кўз томчиларига рецепт ёзаётганда, агарда улар захарли моддалар

сақланган бўлса, уларнинг терапевтик дозасидан ошириш керак эмас, чунки кўзнинг шиллиқ пардаси кучли сўриш кобилиятига эга.

Рецепт ёзаётганда дори моддаларининг концентрацияси ва қандай миқдорда кераклигини билиш керак. Рецептлар кенгайтирилган, қисқартирилган ҳамда фоизли кўринишда ёзилади. Кўз томчилари 20 марта қабул қилишга етадиган қилиб ёзиб берилади.

Мисол. $Md = 0,01$ бўлган пилокарпин гидрохлориди кўз томчиси учун рецепт ёзилсин. 2 – 3 томчидан 2 ла кўзга (5 томчи) томизилиш буюрилсин.

Ҳисоб: $Md = 0,01$ $0,005 \times 20 = 0,1$

$td = 0,005$ $5 \text{ т} \times 20 = 100 \text{ т} = 5 \text{ мл}$

1 усул: ***Rp.: Pilocarpini hydrochloridi 0,1***

Aquae destillatae 5 ml

M.f. solutio

D.S. 2 – 3 томчидан ҳар бир кўзга томизилсин.

#

2 усул: ***Rp.: Solutionis Pilocarpini hydrochloridi ex 0,1 – 5 ml***

D.S. 2 – 3 томчидан ҳар бир кўзга томизилсин.

Ҳисоб: $5 \text{ мл} - 0,1$ $x = \frac{100 \times 0,1}{5} = 2\%$
 $100 \text{ мл} - x$

3 усул: ***Rp.: Solutionis Pilocarpini hydrochloridi 2% - 5 ml***

D.S. 2 – 3 томчидан ҳар бир кўзга томизилсин.

Оғир металл тузлари эритмалари кўз томчилари ҳолда фақат фоизли усулда (0,25 – 0,5% ли) ёзилади.

Кўз томчиларидан ташқари кулоққа ва бурунга томизиладиган томчилар ҳам мавжуд. Бурунга ва кулоққа эритмалар 3 – 4 томчидан томизилади.

Мисол. Эфедрин гидрохлоридининг 2% ли 10 мл эритмаси бурунга 3 – 4 томчидан томизиш учун рецепт ёзилсин.

Rp.: Solutionis Ephedrini hydrochloridi 2% - 10 ml

D.S. 3 – 4 томчидан бурунга томизилсин.

Мисол. 20 мл водород пероксидининг суюлтирилган эритмасига рецепт ёзилсин ва 2 – 3 томчидан кулоққа томизиш буюрилсин.

Rp.: Solutionis Hydrogenii peroxydi diluti 20 ml

D.S. 2 – 3 томчидан кулоққа томизилсин.

ДОРИВОР ХЎҚНАЛАР

Доривор хўқналар дориларнинг умумий ва маҳаллий таъсирини юзага чиқариш учун ишлатилади. Доривор хўқналар тўғри ичакнинг шиллиқ пардасидаги касалликларни, уларнинг атрофидаги инфильтратларни, йўғон ичакнинг пастки қисмидаги шиллиқ пардаларнинг зарарланганида ишлатилади. Хўқна қилинганда доривор моддалар сўрилгач жигарни четлаб, пастки ковак венага тушади. Шу сабабли ичак, жигар касалликларида доривор хўқналардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Доривор хўқналар тозаловчи хўқналардан кейин қуйилади, ва унинг миқдори 50 мл дан кўп бўлмаслиги лозим. Доривор хўқналар рецептда тўлиқ ёзилади.

Мисол. Хлоралгидрат ($td = 1,0$) шилимшиқ қўшилган ҳолда 1 та хўқна учун буюрилсин.

Rp.: Chlorali hydrati 1,0

Mucilaginis Amyli 10 ml

Aquae destillatae ad 30 ml

M.D.S. Тўғри ичакга уйқудан 20 дақ. олдин
секинлик билан юборилсин.

Мисол. 10 та хўқна учун таркибида асосли висмут нитрати 5,0 шафтоли шилимшиғи ва сув миқдори тенг бўлган аралашмага рецепт ёзилсин. Тўғри ичак орқали секинлик билан юбориш буюрилсин.

Rp.: Bismuthi subnitrat 5,0

Mucilaginis Gummi Armeniacae 10 ml

Aquae destillatae ad 30 ml

**M.D.S. Тўғри ичак орқали секинлик
билан юборилсин.**

Рецептурадан топшиқлар

1. Ангишвонагул баргидан 200мл дамлама;
2. Эман пўстлоғидан 200 мл қайнатма;
3. Строфант тиндирмаси мд 10 томчи ва марваридгул тиндирмасидан мд 30 томчи бирга ичишга томчи холда;
4. Канакунжут мойидан 200 мл эмульсия;
5. Бангидевона тиндирмаси мд 20 томчи;
6. Термопсис утдан 200 мл дамлама;
7. Алтей илдизидан 1.30 концентрация дамлама;
9. Опий тиндирмаси мд 22 томчи;
10. Калина суюқ экстракти тд 20 томчи;
11. Сув қалампирининг суюқ экстракти тд 30 томчи;
12. Атропин сульфат томчи холда ичишга мд 1 мг.
13. Калий пермаганат 1:1000 концентрацияда спринцевания учун;
14. Хлоралгидрат тд 1 г 3 та хўқна учун;
15. Прозерин мд 1 кўз томчиси;
16. Кумуш нитрат кўз томчиси;
17. Нафтизин 0, 1 % ли эритма бурун томчиси;
18. 10 мл 0,02% ли фосфакол кўз томчиси;
19. Яраларни ювиш учун 200 мл фурацилин;
20. Чайиш учун водород пероксиди;

Мустакил назорат учун саволлар

1. Дамламалар ва қайнатмалар нималардан тайёрланади?
2. Дамламалар ва қайнатмалар бир бирларидан қандай фарқ қиладилар?
3. Қайси ўсимликларни қисмлардан дамламалар 1:300 нисбатда тайёрланади?
4. Қайси ўсимликларни қисмлардан дамламалар 1:30 нисбатда тайёрланади?
5. Дамламалар ва қайнатмалар учун рецепт неча усулда ёзилади?
6. Қандай дори шакли эмульсия деб аталади?
7. Эмульсияларнинг неча тури мавжуд?
8. Эмульгатор нима?
9. Қандай эмульгаторларни биласиз?
10. Эмульсияларга рецептлар неча шаклда ёзилади?
11. Қандай дори моддаларнинг эритмалари ичишга томчиларда ўлчаб берилади?
12. Дориларнинг 1 терапевтик дозаси ичиш учун неча томчи эритувчида эритилади?
13. Томчиларда тақсимланадиган эритмалар неча марта қабул қилишга берилади?
14. Томчиларда тақсимланадиган эритмалар учун рецептлар неча усулда ёзилади?
15. Қандай дори шакли тиндирмалар деб аталади?

16. Тиндирмалар учун рецепт ёзишни нечта усули мавжуд?
17. Қандай дори шакли экстрактлар деб аталади?
18. Суюк экстрактлар учун рецепт қандай ёзилади?
19. Қандай дори шакли новогален препаратлари деб аталади?
20. Новогален препаратлари учун рецептлар қандай ёзилади?
21. Эритмалар сиртга қандай мақсадда қўлланилади?
22. Томокни чайқаш учун қанча миқдорда эритма керак?
23. Спринцевание учун қанча миқдорда эритма керак?
24. Кўз томчилари нима?
25. Кўз томчиларига қандай талаблар қўйилади?
26. Кўз томчилари рецептда қандай шаклда ёзилади?
27. Кулоқ ва бурун томчилари рецептда қандай шаклда ёзилади?
28. Доривор хўқна нима?
29. Доривор хўқналар рецептда қандай шаклда ёзилади?

Кулланилган адабиётлар

1. Харкевич Д.А. Фармакология. Дарслик. М.: Медицина, 2013.
2. Машковский М.Д. Лекарственные средства. Справочник. М.: Медицина, 2005.
3. «Современные лекарственные препараты». Руководство. Москва- 2001
4. Михайлов Э.Б. «Настольная книга врача по фармакологии» СПб. Фолнанд -2001.
5. Общая врачебная практика. Клинические рекомендации и фармакологический справочник. Под. Ред. И.Н. Денисова, Ю.Л. Шевченко, Ф.Г. Назырова. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2005.
6. Интернет маълумотлари.